

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМОИЛОВА НУРЖАХОН ЗУХУРИДДИНОВНА

**ТАЛАБАЛАРДА СТРЕССГА БАРҚАРОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ
ПСИХОЛОГИК ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ**

19.00.06 - Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
psychological sciences**

Исмоилова Нуржахон Зухуриддиновна

Талабаларда стрессга барқарорликни оширишнинг психологик
детерминантлари..... 3

Исмоилова Нуржахон Зухуриддиновна

Психологические детерминанты повышения стрессоустойчивости
у студентов..... 23

Ismoilova Nurjahon Zuxuriddinovna

Psychological determinations of developing stress resistance in students..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМОИЛОВА НУРЖАХОН ЗУХУРИДДИНОВНА

**ТАЛАБАЛАРДА СТРЕССГА БАРҚАРОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ
ПСИХОЛОГИК ДЕТЕМИНАНТЛАРИ**

19.00.06 - Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/P178 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нишанова Замира Таскараевна
психология фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурасулов Рустам Абдураимович
психология фанлари доктори, доцент

Тўйчиева Саодат Меликузиевна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация химояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.. Тел.: (+99871) 202-44-21/ факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-04, e-mail: info@tdpu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 202-44-21/ факс: (+99871) 246-53-21).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ғ.Б.Шоумаров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

Х.А.Қодирова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
психол.ф.н., доцент

В.М.Каримова

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси психол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсидаги мутахассислар стресс бугунги кунда “аср касаллиги” бўлиб қолганлигини таъкидлашмоқда. Зеро, шахснинг стресс ҳолатига тушиши нафақат унинг юритаётган фаолиятига, унинг руҳий ва жисмоний саломатлигига ҳам жиддий салбий таъсир этади. БЖССТнинг маълумотларига кўра, мавжуд касалликларнинг 65%¹ининг сабаби стресс билан боғлиқдир. Мазкур ташкилотнинг қайдларига кўра, Женевада бўлиб ўтган БЖССТ ассамблеясида стресс ҳолати Халқаро касалликлар классификаторига 11-рақам остида киритилган². Америка психологлар ассоциациясининг берган маълумотларига кўра, “стресс ...талабаларнинг саломатлиги учун катта зарар эканлиги ва агар ёшлар ҳозирги стрессларни бошқаришнинг соғлом усулларини ўрганмасалар, бу уларнинг соғлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин”лиги таъкидланган³. Шундай экан, шахснинг стресс ҳолатига тушиши нафақат унинг юритаётган фаолиятига, унинг руҳий ва жисмоний саломатлигига ҳам жиддий салбий таъсир этишини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида стресс ва стрессга барқарорлик психология соҳасида ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб, тадқиқотларда уни келтириб чиқарувчи психофизиологик омилларни аниқлаш, стрессга мойил инсонларнинг мотивацион, эмоционал-иродавий соҳасига таъсир этиб, уларнинг руҳий саломатлигини мустаҳкамлаш, талабалар орасида стресснинг салбий асоратлари натижасида кузатилаётган ўзлаштириш кўрсаткичи ва ўқиш сифатининг пасайиши, рақобатбардош кадр тайёрлаш масаласининг оқшаши, стрессга мойил шахсларнинг ижтимоий-психологик профилактикаси, самарали психокоррекцион таъсир усулларининг самарадорлигини таъминлаш масалалари бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар стресс намоён бўлишининг психологик хусусиятларини комплекс тадқиқ этиш, стрессга мойил ёшларнинг фаолият жараёнидаги хулқ-атвор масалаларини тадқиқ этишга назарий асос сифатида хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим олаётган талабаларни рақобатбардош ва ҳар томонлама етук кадр қилиб тарбиялаш, “Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратиш”⁴ масаласи давлатимизнинг кун тартибидаги асосий масалалардан биридир. Бу борада, стресснинг салбий асоратларига мойил талаба ёшларда стрессга барқарорликни оширишнинг психологик детерминантларини комплекс тарзда ўрганиш, уларнинг когнитив, аффектив, конатив ва физиологик соҳаларига бир пайтда

¹ World Health Organization – www.who.int – Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий сайти (мурожаат ҳолати 10.10.2019)

² World Health Organization – www.who.int – Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий сайти (мурожаат ҳолати 10.10.2019)

³ American Psychological Association. www.unicef.org - ЮНИСЕФнинг сайти маълумотлари (мурожаат ҳолати 29.10.2019)

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь, № 19. – Б. 1- 4.

таъсир кўрсатиш орқали стрессга барқарор хулқни шакллантириш имкониятларини аниқлаш каби йўналишларда илмий изланишларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 472-сонли қарори ва мавзуга оид бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Стресс муаммоси жуда кўплаб муаллифлар томонидан ўрганилган бўлишига қарамасдан, стрессга барқарорликни тадқиқ этишга бағишланган ишлар сони жуда кўп эмас. Лекин ҳар ҳолда бу йўналишда бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган.

Л.И.Анцыферова, Л.Г.Дикаянинг ишларида шахс стрессга барқарорлиги унинг маълум бир мақсадга йўналганлиги, маълум бир даврдаги истиқбол режалари, ўз фаолиятини ташкил этишига таъсири билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилган⁵. Шахсий омилларнинг стрессни енгиб ўтишга таъсири масаласига бағишланган ишлар эса В.И.Медведев, В.Э.Мильман, В.Д.Небылицын, Г.С.Никифоров ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўрганилган⁶. Қийин ҳаётий вазиятларда инсон хулқининг намоён бўлиши ва “копинг-стратегия” деб номланувчи хулққа алоҳида эътибор қаратилган ишлар R.Lazarus, P.Thoitsнинг тадқиқотларида ўрганилган⁷. Айнан талабаларда стрессга барқарорлик ривожланишининг ўзига хослигини аниқлаш бўйича А.А.Андреева, Е.И.Баст, З.Б.Кучина, О.В.Лозгачева, И.Н.Меньшикова М.Л.Хуторная, В.А.Якунин кабилар тадқиқот олиб боришган⁸.

⁵ Анцыферова Л.И. Личность в трудных жизненных условиях: переосмысление, преобразование ситуаций и психологическая защита / Л.И. Анцыферова // Психол. журн. 1994. № 1. С. 3-18; Дикая Л.Г. Психическая саморегуляция функционального состояния человека (системно-деятельный подход) / Л.Г. Дикая. – М.: Ин-т психологии РАН, 2003. - 318 с.

⁶ Медведев В.И. Устойчивость физиологических и психофизиологических функций человека при действии экстремальных факторов / В.И. Медведев. – М.: Педагогика. 1992. -104 с.; Мильман В.Э. Стресс и личностные факторы регуляции деятельности / В.Э. Мильман // Стресс и тревога в спорте. – М.: ФИС,1993. С. 24-46; Небылицын В.Д. Психофизиологические исследования индивидуальных различий / В.Д.Небылицын. – М.: Наука, 2016. 336 с.; Никифоров Г.С. Влияние индивидуально-психологических особенностей на успешность тренажерной подготовки пилотов / Г.С. Никифоров, Л.И. Филимонок, С.В. Никишева // Психол. обеспечение трудовой деятельности. –Л., 1997. С. 69-73.

⁷ Lazarus R.S. Psychological stress and the coping in aging / R.S. Lazarus, A. De Longis // American Psychologist. 2003. Vol. 38. P. 245-254; Lazarus R.S. Psychological stress and the coping process / R.S. Lazarus. – N-Y., 2006. -466 p.; Thoits P. Social support as coping assistance / P.Thoits // J. of Consulting and Clinical Psychology. 2006. Vol. 54. P. 416-423.

⁸ Андреева А.А. Стрессоустойчивость как фактор развития позитивного отношения к учебной деятельности у студентов. Автореферат дисс. ... канд. психол. наук. - М., 2009. – 27 с.; Баст Е.И. Стрессоустойчивость как фактор психологического благополучия личности студента-первокурсника. Автореферат дисс. ... канд. психол. наук. - М., 2017. – 47 с.; Кучина З.Б. Психолого-акмеологические особенности совладающего поведения студентов вуза на экзаменах разного типа. Автореф. дис. ... канд. психол. наук. - Кострома, 2010.- 28 с.; Лозгачева О.В. Формирование стрессоустойчивости на этапе профессионализации: дис. ... канд. психол. наук: 19.00.03. Екатеринбург, 2004. 189 с.; Меньшикова И.Н. психологическая помощь студентам в адаптации к стрессовым воздействиям экзаменационных сессий. Автореф. дис. ... канд. психол. наук. - Ставропол, 2008.- 30 с.; Хуторная, М.Л. Развитие стрессоустойчивости

Ўзбекистонда стресс ва стрессга барқарорлик муаммоси айнан психологик тадқиқот предмети сифатида унга ёндош бўлган тушунчалар - руҳий инқироз, асабий танглик, руҳий танглик, суицидал хулқ каби атамалар билан уйғунликда бир қанча ўзбек олимлари томонидан тадқиқ этилган. Ўзбек олимларининг стрессни айрим психологик жиҳатларини тадқиқ қилишга уринишлари XX асрнинг охирларида бошланган бўлиб, дастлаб М.Г.Давлетшин, Ғ.Б.Шоумаров ва уларнинг шогирдлари Б.Умаров, Э.Усмановлар⁹ томонидан олиб борилган ишларда ўз аксини топган. Ўзбек психолог олимларидан В.М.Каримова, Р.Н.Самаров, Б.Н.Сирлиевларнинг ишларида ҳам “стресс” тушунчасига оид маълумотлар таҳлили амалга оширилган¹⁰.

Г.В.Хрульнова¹¹ стрессдан кейинги ўзгаришларни енгиб ўтишга ўргатувчи машғулотларда ўсмирнинг психикасига таъсир кўрсатувчи турли техникалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини алоҳида таъкидлаган.

Ўзбекистон психологиясида шахснинг ҳаёт фаолияти жараёнида кузатиладиган эмоционал ҳолатлар муаммоси кенг ўрганилган. Лекин, стрессга барқарорлик муаммоси алоҳида тадқиқот предмети сифатида, айнан талабалик даври ва ўқув фаолияти билан боғлиқ ҳолатда, қолаверса стрессга барқарорликнинг психологик детерминантлари, хусусан, ўз-ўзини баҳолаш, фрустрацион толерантлик ва копинг-стратегия билан боғлиқликда комплекс тарзда ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-126 “Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш” (2017-2021 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларда стрессга барқарорликни оширишнинг психологик детерминантларини эмпирик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда унинг услубий таъминотини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларда стрессга барқарорликка таъсир этувчи психологик детерминантларни аниқлаш юзасидан эмпирик тадқиқот моделини яратиш;

талабаларда стрессга барқарорлик ва ўз-ўзига баҳо бериш, фрустрацион толерантлик, копинг-стратегия механизмларининг ўзаро муносабат хусусиятларини аниқлаш;

талабаларда стрессга барқарорликни ривожлантирувчи тренинг машғулотни дастурини ишлаб чиқиш, уни апробациядан ўтказиш ва коррекцион дастурнинг имкониятларини асослаш;

студентов в условиях интеллектуальных испытаний: дис... канд. психол. наук: 19.00.13 / М.Л. Хуторная. - Тамбов, 2007. -182 с.; Якунин В. А. Психология учебной деятельности студентов /В. А. Якунин. – СПб.: Питер, 2014. – 240 с.

⁹ Шоумаров Ғ.Б. ва бошқ. Шахс инқироз ҳолатларининг ижтимоий-психологик сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш. – Тошкент, 1997. - 39 б.

¹⁰ Каримова В.М. Саломатлик психологияси. - Т.: Янги аср авлоди. – 2005. 71б.; Самаров Р.С. Шахс ва стресс. - Тошкент, 2004. - 40 б.; Стресс ва агрессия / Б.Н.Сирлиев, Н.З.Исмоилова, И.М.Ҳақимова. – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2014. – 120 б.

¹¹ Хрульнова Г.В. Психологические особенности постстрессовых состояний у подростков: Автореф.дис. канд. психол. наук, 2006. -24 с.

талабаларда стрессга барқарорликни ошириш бўйича психологик-педагогик хулоса ва умумий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Тошкент давлат педагогика университети, Наманган давлат университети, Жиззах давлат педагогика институтидаги педагогика ва психология факультетларининг биринчи ва учинчи курс талабалари (291 нафар) ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини талабаларда стрессга барқарорликни оширишнинг психологик детерминантлари ҳамда уларга таъсир этиш имкониятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, суҳбат каби усуллар қўлланилди, бунда талабаларнинг кундалик ўқув фаолиятларидаги стрессли ҳолатлар кузатилиб, тўпланган маълумотлар махсус кундаликка қайд қилиб борилди. Бундан ташқари Н.В.Киршева, Н.В.Рябчиковаларнинг “Шахснинг стрессга барқарорлигини аниқлаш” методикаси, Н.П.Фетискиннинг “Ўз-ўзини баҳолашнинг экспресс-диагностикаси” методикаси, В.В.Бойконинг “Фрустрация ҳолатини аниқлаш” методикаси, Д.Амирханнинг «Копинг-кураш индикатори» методикаларидан фойдаланилди. Шунингдек, педагогик-психологик эксперимент (талабаларнинг стрессга барқарорлик диагностикаси, коррекцияси ва назорат тажрибалари орқали коррекцион дастурнинг самарадорлигини аниқлаш) қўлланилди. Математик статистика методлари (К.Пирсоннинг r-корреляция коэффиценти, Стъудентнинг t-мезони)дан тадқиқотда олинган эмпирик материалларни қайта ишлаш ва уларнинг статистик аҳамиятлилик даражасини аниқлаш учун фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Талабаларда кузатиладиган стрессга барқарорликнинг ёш ва педагогик жиҳатдан намоён бўлиш хусусиятларининг психологик негизларига, хусусан, “юқори”, “ўрта”, “паст” даражада стрессга бақарорлик намоён бўлишининг ўқув фаолияти билан боғлиқ жиҳатларига, информацион стрессни қабул қилиш компонентларига, шахслараро муносабатлардаги когнитив ва аффектив установакаларига, мулоқотчанлик кўникмаларига, ўқув фаолиятига нисбатан барқарор муносабатнинг пайдо бўлишида ички ва ташқи детерминантларнинг таъсирига боғлиқ эканлиги илмий жиҳатдан шарҳлаб берилган;

талабаларда стрессга барқарорлик ва унинг паст ёки юқори даражада намоён бўлишига таъсир этувчи детерминантлар, хусусан ўзига адекват ёки ноадекват баҳо бериш, ўзига ишонишнинг ортиши ёки пастлиги, фрустрацион тўсиқларни енгиб ўтишнинг даражаси, фрустрацион толерантликнинг юқори ва паст даражаси орасида ўзаро мусбат корреляцион алоқалар эмпирик натижалар асосида аниқланган;

стрессга барқарорлик намоён бўлишига таъсир этувчи копинг хулқ стратегиясининг фаол ва пассив усуллари, хусусан “муаммони ҳал этиш”, “ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаш”, “муаммодан қочиш” усуллари қўллашнинг маҳаллий психологик хусусиятлари, аввало, юзага келган стресс вазияти билан боғлиқ муаммони ҳал этишда катталар ўз фарзандларининг

муаммоларини ҳал этишга ўргатиб қўйганлиги, стрессга барқарорлиги суст бўлган талабаларда стресс вазиятларда ўзи ҳаракат қилмасдан, бошқаларнинг ёрдамига таяниши, ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаши, копинг стратегиянинг пассив усули бўлган муаммодан қочиш хулқиға мурожаат қилиши билан боғлиқлиги асосланган;

талаба шахсининг когнитив, аффектив, конатив, физиологик соҳаларига комплекс таъсир этиш орқали унинг стрессга барқарорлигини ошириш имкониятини берувчи коррекцион дастурий таъминот такомиллаштирилиб, самарадорлик имкониятлари илк бора ўзининг эмпирик тасдиғини топган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларда стрессга барқарорликни оширишнинг психологик детерминантлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

талабаларда стрессга барқарорликни оширишни копинг стратегия билан алоқадорлиғига хос маҳаллий психологик хусусиятлари кўрсатиб берилган;

бўлажак психологларнинг кейинги фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган “Ижтимоий психология”, “Психологик тренинг асослари” номли ўқув қўлланмалар нашр эттирилган ва уларда шахсининг ўз-ўзига баҳоси, адекват баҳо, фрустрация, фрустрацион толерантлик, стресс, стрессга барқарорлик борасидаги маълумотлар ҳамда стрессга барқарорликни оширишга йўналтирилган махсус тренинг дастурининг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган;

талабаларда стрессга барқарорликни ошириш юзасидан ишлаб чиқилган тренинг дастури “Психология” кафедраси қошида ташкил этилган “Психологик хизмат” маркази ва “Ёш психолог” касбий тўғараги фаолиятида амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда фойдаланилган психодиагностик методикаларнинг психометрик талабларга жавоб бериши, тадқиқот вазифаларига мос, ўзаро бир-бирини тўлдирадиган тадқиқот методларининг қўллангани, тадқиқот объекти сифатида турли ҳудудлардаги ОТМларининг танланганлиги, олинган эмпирик натижаларни қайта ишлашда математик-статистик таҳлил қилиш усуллардан фойдаланилганлиги (К.Пирсоннинг r -корреляция коэффициенти, Стъюдентнинг t -мезони) ва миқдорий кўрсаткичларни психологик талқин этишда ишонччилик ҳамда муқаррарликнинг статистик мезонларига таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда тўпланган натижаларнинг илмий аҳамияти стресс ва стрессга барқарорлик, стрессга барқарорликни оширишнинг психологик детерминантлари ҳақидаги илмий қарашларни кенгайтирилганлиги, стрессга барқарорликнинг механизмлари талабалик даврида ўзига хос муайян қонуниятлар асосида турлича кечиши ва стрессга барқарорликнинг оширилиши борасидаги маълумотлар таҳлили асосида психологик стресс ҳақидаги илмий

билимларнинг жамланганлиги, талаба ёшларда стрессга барқарорликни ошириш ва ўз-ўзига баҳо, фрустрацион толерантлик, копинг-стратегияни қўллашнинг психологик жиҳатлари маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган натижаларнинг ёшларда стрессга барқарорликни оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини кучайтиришга хизмат қилишида, стрессга барқарорликни оширишга таъсир этувчи детерминантларни ўрганиш орқали шахс психик тараққиётига таъсир этиш йўллариининг очиқ берилишида, стрессга барқарорликни оширишнинг услубий воситаларини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари психолог кадрлар амалий тайёргарлигини оширишга ёрдам беришида ўз ифодасини топган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларда стрессга барқарорликни оширишнинг психологик детерминантларини ўрганишга доир олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида:

талабаларда кузатиладиган стрессга барқарорликнинг ёш ва педагогик жиҳатдан намоён бўлиш хусусиятларининг психологик негизларига, хусусан, “юқори”, “ўрта”, “паст” даражада стрессга бақарорлик намоён бўлишининг ўқув фаолияти билан боғлиқ жиҳатларига, информацион стрессни қабул қилиш компонентларига, шахсларо муносабатлардаги когнитив ва аффектив установакаларига, мулоқотчанлик кўникмаларига, ўқув фаолиятига нисбатан барқарор муносабатнинг пайдо бўлишида ички ва ташқи детерминантларнинг таъсирига боғлиқлиги борасидаги илмий жиҳатдан шарҳлаб берилган таклифи “Психология ўқув-илмий марказининг 1-сон буйруғига асосан Умумий психология” модулига киритилган. (Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 февралдаги П-М-1а -сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида таълим соҳаси учун тайёрланадиган психологларнинг касбий аҳамиятли таянч компетенцияларни шакллантириш ҳамда стрессга барқарорлик бўйича касбий тайёргарлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилган;

талабаларда стрессга барқарорлик ва унинг паст ёки юқори даражада намоён бўлишига таъсир этувчи детерминантлар, хусусан ўзига адекват ёки ноадекват баҳо бериш, ўзига ишонишнинг ортиши ёки пастлиги, фрустрацион тўсиқларни енгиб ўтишнинг даражаси, фрустрацион толерантликнинг юқори ва паст даражаси орасида ўзаро мусбат корреляцион алоқалар эмпирик натижалар асосида аниқланганлиги ҳақидаги таклифи Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги “Психология” ўқув марказининг 1-сон буйруғига асосан “Психогигиена” модулига киритилган. (Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 февралдаги П-М-1а -сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қўлланилиши натижасида рақобатбардош кадрларни тайёрлашда стрессга барқарорлик бўйича илмий-методик таъминотнинг бойитилишига эришилган;

стрессга барқарорлик намоён бўлишига таъсир этувчи копинг хулк стратегиясининг фаол ва пассив усулларини, хусусан “муаммони ҳал этиш”, “ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаш”, “муаммодан қочиш” усулларини қўллашнинг маҳаллий психологик хусусиятлари, аввало, юзага келган стресс вазияти билан боғлиқ муаммони ҳал этишда катталар ўз фарзандларининг муаммоларини ҳал этишга ўргатиб қўйганлиги, стрессга барқарорлиги суёт бўлган талабаларда стресс вазиятларда ўзи ҳаракат қилмасдан, бошқаларнинг ёрдамига таяниши, ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаши, копинг стратегиянинг пассив усули бўлган муаммодан қочиш хулкига мурожаат қилиши билан боғлиқ таклифдан Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги “Психология” ўқув марказининг 1 - сон буйруғига асосан “Консультатив психология. Психокоррекция” модулидан ўқув методик мажмуа ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 февралдаги П-М-1а -сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида стрессга барқарорликнинг намоён бўлишини прогноз қилиш имкониятлари кенгайтирилган ва бўлғуси амалий психологларнинг келгусидаги амалий фаолиятини самарали ташкил этиш имкониятларининг оширилишига эришилган;

талаба шахсининг когнитив, аффектив, конатив, физиологик соҳаларига комплекс таъсир этиш орқали унинг стрессга барқарорлигини ошириш имкониятини берувчи коррекцион дастурий таъминот такомиллаштирилиб, самарадорлик имкониятлари илк бора ўзининг эмпирик тасдиғини топганлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1023-сонли буйруғига асосан 5110900 - “Педагогика ва психология” бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган “Психологик тренинг асослари” номли ўқув қўлланмадаги мавзулар мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғига асосан берилган 1023-068-рақамли Гувоҳнома). Ушбу таклифнинг қўлланилиши натижасида бўлажак психолог-талабаларнинг стрессга барқарорлигини ошириш бўйича назарий билимлари такомиллаштирилиб, амалий-касбий тайёргарлигини сифат жиҳатдан ошириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқлаштирилган, илмий янгилиги баён этилган, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

“**Стресси вазиятларда шахс хулқ-атворини ўрганиш: илмий ёндашувлардаги анъаналар**” деб номланган биринчи боб мазмуни адабиётлар таҳлиliga қаратилган бўлиб, унда қадимги манбалар – Қуръони Карим, Ҳадис ва айрим мутафаккирларнинг мавзуга доир фикр ва ғоялари тизимлаштирилган. Унга кўра, стрессга барқарорлик ҳодисаси унга ёндош бўлган бир қанча сифатлар, жумладан, инсонга мусибат етганда ёки муаммога дуч келганда сабр, бардош, қаноат, шукроналик билан муносабатда бўлиши, ҳар қандай қийин вазиятда ҳам ақл билан иш тутиши, ўз ҳиссиётларини бошқара олиши, ғазабини босиши, бағрикенг, мурувватли, кенгфеълли бўлиши, яхшилик қилувчи ва яхшилик изловчи, ўзини бошқаларнинг камчиликлари кўрмасликка олувчи бўлиши каби сифатлар талқинида баён этилган. Қадимги манбалардаги стрессга барқарорликка асосланган хулқ асосида ётувчи детерминантларни умумлаштирилса, куйидаги чизмани шакллантириш мумкин (1-расм).



1-расм. Қадимги манбаларда стрессга барқарорликка ёндош шахс хусусиятларнинг ёритилиши

Хориж ва рус психологлари Р.Лазарус, Л.Мерфи, С.Фолкман, Д.Амирхан, Н.Сирота, Д.А.Леонтьев, Е.И.Расказова, Б.Б.Величковский каби тадқиқотчилар стрессоген вазиятларда шахснинг фаоллигини, ишчанлик


кайфиятини туширмаслик ёки бузмаслик учун зарур бўлган стрессга барқарорликка эга бўлиш лозимлиги, шахснинг стрессга барқарорлиги – бу ўз эмоцияларини бошқариш, ўзини қўлга олиш ва маълум бир тактга эга бўлиш асносида қийинчиликларни енгиб ўта олиш кўникмаси эканлиги ҳақидаги фикрларни таҳлил қилишган.

Ўзбек психологларидан М.Г.Давлетшин, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғ.Ғозиев, В.М.Каримова, З.Т.Нишанова ва уларнинг шогирдлари томонидан муаммога яқин бўлган масалаларнинг ўрганилганлиги ҳақида маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “Талабалар стрессга барқарорлигининг психологик детерминантлари” номли иккинчи бобда психодиагностик маълумотлар синтези ва уларнинг интерпретациясига доир муаммолар таҳлил этилган.

Мазкур бобда дастлаб, талабаларда стрессга барқарорлик намоён бўлишининг шахс-психологик хусусиятлари курслар кесимида таҳлил қилиб берилган.

2-расмда кўриниб турганидек, 1-курсдаги 29,1% ва 3-курсдаги 21,1% респондентларда стрессга барқарорликнинг паст даражаси кузатилган. Буни кўйидагича изоҳлаш мумкин: 1-курс талабаларида турли таълим даргоҳларидан кейин олий таълимдаги янги талабларга ижтимоий мослашишнинг сустилиги ҳамда талаб қилинаётган даражада ўқиш учун вақтнинг етишмаслиги, керакли информацияларнинг барчасини ўзлаштириб олишга улгура олмаётганлиги ва иш билан кўмиб ташланганини ҳис қилиш каби омиллар бу борада муҳим ҳисобланади.



2-расм. Турли курс респондентларида стрессга барқарорликнинг намоён бўлиши (% ҳисобида)

Гарчи бундай омиллар фақат 1-курс эмас, балки 3-курс талабалари учун ҳам хос бўлса-да, 1-курс талабаларида ўзининг кундалик ўқув фаолиятини

режалаштириш ва мавжуд информациялар оқими билан ишлаш тажрибаси ҳамда кўникмасининг етарли даражада шаклланмаганлиги уларнинг стрессга барқарорлигини пасайтиришда муҳим асос ҳисобланади.

Учинчи курс респондентлари орасида стрессга барқарорлиги паст бўлганларнинг нисбатан камлиги уларнинг ўқув фаолиятига мослашганлиги, психологик билим, кўникма, малакалар даражасининг ортганлиги, фанларга ва касбий соҳасига оид тушунча ҳамда тасаввурларнинг кенгайганлиги ҳамда ўз вақтларини унумли режалаштиришга ўрганганлиги билан асосланади.

Умумий хулоса қилинса, талабаларда стрессга барқарорликнинг паст кўрсаткичи 3-курсда 21,1%ни ва 1-курсда 29,1%ни кўрсатганлигини 3-курс синалувчиларида ўқув фаолиятига нисбатан барқарор ва мослашувчанлик муносабатларининг ҳамда ўқув жараёнларидаги муаммоларни ҳал этишда ўзига хос кўникма ва малакаларнинг юзага келганлиги билан асослаш мумкин.

Шунингдек, биз респондентларнинг умумий сонига нисбатан ҳам стрессга барқарорлик даражасини таҳлил қилдик ва шу асосда тадқиқотимизнинг экспериментал ҳамда назорат гуруҳларини ажратиб олдик. Стрессга барқарорлиги паст бўлганлар экспериментал гуруҳ сифатида танлаб олинди. Натижалар 1-жадвалда акс эттирилган:

1- жадвал

Аниқловчи тажрибада синалувчиларда стрессга барқарорликнинг намоён бўлиш даражаси

N =291

Стрессга барқарорлик даражаси	Жами (%да)
Юқори	32,9%
Ўрта	41,9%
Паст	25,2%

Респондентларнинг 32,9%ида стрессга барқарорликнинг юқори даражаси кузатилганлиги талабалар орасида стрессли вазиятларда ўзини йўқотмасдан, ўзини ва ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила оладиганлари ҳам борлигини билдиради. Айрим талабалар ўзининг ҳаётий тажрибаси ва шахс хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўқиш фаолияти жараёнида берилаётган маълумотларни ҳам, топшириқларни ҳам салбий эътирозсиз – ўзининг етук мутахассис бўлиши учун зарур ҳол сифатида қабул қилади ва уларни ўзлаштиришни орқага сурмасдан, ўз вақтида амалга ошириб боради. Бу эса ўқув жараёни билан боғлиқ бўлган стрессоген вазиятларда барқарор муносабат билдиришга асос бўлади.

Респондентларнинг 41,9%ида стрессга барқарорликнинг ўрта даражаси аниқланган. Бундай талабалар одатда, стрессоген вазиятларда гоҳо стрессга чидамлиликини, гоҳида эса чидамсиз муносабатни намоён қиладилар ва стрессга барқарорлиги паст бўлган талабалар сингари йўл тутадилар.

Респондентларнинг 25,2%ида стрессга барқарорлик кўрсаткичи паст

бўлиб, улар стрессли вазиятлардан чиқиб кетиш кўникмасининг мавжуд эмаслиги натижасида стрессга берилиб қоладилар ва ўқув фаолияти жараёнида суст натижаларни кўрсатадилар.

Демак, талабалик даврида ўзига хос стрессоген вазиятлар мавжуд ва бу вазиятлар айрим талабаларнинг стресс ҳолатига тушишига асосий омил бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотда респондентлардаги стрессга барқарорлик ва ўзига баҳо бериш, фрустрацион толерантлик, копинг-стратегиянинг фаол ёки пассив усуллари қўллаш имкониятлари ўртасидаги алоқадорликни ўрганиш тадқиқот вазифаси сифатида белгиланган ва олинган эмпирик натижалар таҳлили қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (2-жадвал).

Унга кўра, синалувчиларнинг стрессга барқарорлиги ва ўз-ўзига баҳоси орасида мусбат корреляцион боғланиш ($r=0,430$; $p\leq 0,01$) мавжуд бўлиб, ўзига адекват баҳо берадиган талабаларда стрессга барқарорлик ҳам юқори бўлишини кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал

Синалувчиларда стрессга барқарорлик ва унинг детерминантлари ўртасидаги корреляцион алоқадорликнинг намоён бўлиши

Детерминантлар	Ўз-ўзига баҳо	Фрустрацион толерантлик	Копинг стратегия		
			Муаммони ҳал қилиш	Ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаш	Муаммодан қочиш
Стрессга барқарорлик	0,430**	0,427**	0,114	0,350**	0,266**

Изоҳ: * $p\leq 0,05$, ** $p\leq 0,01$.

Бундай талабалар ўзига ишончининг юқорилиги боис стрессоген вазиятлардан чиқиб кетиш йўллари тўғри танлайдилар ва уддалайдилар. Аксинча ўзига ноадекват баҳо берувчи (баҳоси паст ёки юқори бўлган) талабаларда стрессга барқарорлик даражаси ҳам пастлиги кузатилади. Бунинг боиси ўзига ноадекват юқори ёки паст баҳо берувчи талабалар стрессли вазиятларда бу ҳолатдан чиқиб кета олмайдилар, яъни улар бу вазиятни ҳал этишда ўз имкониятларини ортиқча баҳолаб хатоларга йўл қўядилар ёки аксинча, ўзларига ишонмаганлиги боис юзага келган стрессоген вазиятни, муаммони ечишга ҳаракат ҳам қилмайдилар.

Талабаларда маълум бир эҳтиёжларни қондириш йўлида пайдо бўлувчи тўсиқларга дуч келганда пайдо бўладиган фрустрацион вазиятларга толерант муносабатда бўлиш хусусияти ва стрессга барқарорлик ўртасида аҳамиятли ўзаро алоқадорлик мавжудлиги маълум бўлди ($r=0,427$; $p\leq 0,01$).

Бу алоқадорлик фрустрацион толерантлиги паст бўлган талабалар томонидан стрессоген ва фрустрацион ҳолатларда ўзини тез йўқотиб қўйиш

ва бу ҳолатдан чиқиб кетиш йўллари излашда сусткашликка йўл қўйилиши билан изоҳланади. Буни, бир томондан, уларнинг турли хил ташқи таъсирлар натижасида енгил-елпи яшашга ўрганиб қолганлиги ва ҳаётий қийинчиликларга бардош беришдаги иродасизлиги билан боғлаш мумкин бўлса, иккинчи томондан, уларда бу борадаги психологик билим, кўникма ва малакаларининг йўқлиги ёки мавжуд билим ҳамда кўникмалардан ўз ўрнида фойдаланишни билмаслиги билан асослаш мумкин. Шунингдек, бундай талабалар ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўлида пайдо бўлган оддий тўсиқларни ҳам нотўғри идрок қилиши, яъни уларни “енгиб бўлмас” деб тушуниши натижасида ҳам ўзидаги стрессга барқарорликнинг сусайишига сабаб бўладилар, бу эса талабанинг нафақат руҳий ҳолатига, балки унинг ўқув фаолиятига, энг асосийси, физиологик саломатлигига ҳам салбий таъсир этади.

Аксинча, стрессга барқарор ва фрустрацион толерант бўлган талабалар стресс вазиятлари юзага келганда муаммонинг ечимини топишга, ўз ҳаёти ва фаолиятида содир бўлган қийинчиликларга нисбатан енгилроқ муносабат билан қарашга интиладилар. Бундай талабалар одатда сабр-тоқатлилиги, чидамлилиги, ақл билан иш тутиши, фрустрацион вазиятни муаммо сифатида кўрмасликка ва унинг аҳамиятини оширмасликка ҳаракат қилиши билан ўзининг бошқа тенгдошларидан ажралиб турадилар.

Респондентларда копинг-хулқнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаш стратегияси ва стрессга барқарорлик ўртасида мусбат корреляцион боғланиш кузатилган ($r=0,350$; $p\leq 0,01$). Бу юқорида таъкидланганидек, стрессоген вазиятга тушган айрим талабалар муаммони ҳал қилишдан кўра ўзининг “ишонган одамларига” мурожаат қилиши билан изоҳланади. Шунингдек, стрессга тушган талаба дўстлари, гуруҳдош ва факультетдаги таниш талабаларга мурожаат қилади, ўртоқлари эса унга далда бериб, бу муаммонинг ечими учун моддий, маънавий, интеллектуал ёрдам кўрсатишади. Шу боис стрессга барқарорлик ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаш стратегияси ўртасида мусбат алоқадорлик кузатилган.

Стрессга барқарорлик билан копинг-хулқнинг муаммодан қочиш стратегияси ўртасида ҳам ижобий алоқадорлик кузатилган ($r=0,266$; $p\leq 0,01$). Айрим талабалар стрессоген вазиятда муаммони ҳал қилишдан кўра, муаммодан қочишни афзал кўради, улар бу борада виртуал оламга мурожаат қилишади. Фанлардан суст ўзлаштирадилар ва сессия топшириқларини қониқарсиз бажарадилар, кўпинча стрессоген вазиятда муаммодан қочиш услубини танлайдилар – бу ҳол уларнинг ҳеч қаерга чиқмасдан уйқуга берилиши, узок вақт мобайнида виртуал оламдаги турли хил фойдасиз сайтларга кириш, ўйинлар ўйнаш, телевизор кўриш каби ҳолатларга берилиши билан изоҳланади.

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилинса, талабаларда ўз-ўзига баҳо бериш, фрустрацион толерантлик, копинг-хулқ стратегиялари ўзаро алоқадорликда стрессга барқарорликни оширишнинг детерминантлари сифатида муҳим роль ўйнайди.

“Талаба ёшларда стрессга барқарорликни оширишнинг психологик имкониятлари” деб номланган учинчи бобда талабаларда стрессга барқарорликни оширишга қаратилган тренинг дастурининг методологик асослари ва самарадорлик имкониятлари таҳлил қилинган.

Талабаларда стрессга барқарорликни оширишга қаратилган махсус психологик тренинг дастурини ишлаб чиқишда гуруҳий терапиянинг методологик асослари саналган гештальт-терапия, когнитив терапия, арттерапия (расм, мусиқий ва рақс терапиялари)га асосланилди. Мазкур дастур 10 та машғулоти ўз ичига олган бўлиб, талабалар билан ҳафтасига 2 марта 2 соатдан 5 ҳафта мобайнида машғулотлар олиб борилди. Машғулотлар якунланганидан сўнг талабаларнинг стрессга барқарорлик даражаси қайта диагностика қилинди.

Талабаларда стрессга барқарорликни шакллантиришнинг самарали воситаси сифатида психологик тренингларни танлашнинг ўзига хос сабаблари мавжуд. Булардан бири айтиш кунда талабалар олаётган назарий билимларнинг аксарият ҳолларда реал ҳаётий вазиятларга мос келмаслиги, олинган билимларни амалиётда синаб кўриш имконининг йўқлиги, бунинг натижасида билимлар кўникма, малакаларга айланмай қолаётганлигидир. Назаримизда бу каби бўшлиқларни тўлдириш вақти келди ва айтиш пайтда буни амалга оширишнинг асосий йўллари билан бири тренинглардир. Шунга кўра шакллантирилган тренинг дастури қуйидаги компонентларни ўз ичига қамраб олган (3-расм):

